

# ТОШКЕНТ

## ОКШОМЧИ

2-инг чирқини,  
25 СЕНТЯБРЬ 1967 й.  
ДУШАНБА,  
№ 225 (380).  
БАҲОСИ 2 ТИЙИЧ.

ЎЗБЕКИСТОН КП ТОШКЕНТ ШАҲАР КОМИТЕТИ ВА ТОШКЕНТ ШАҲАР СОВЕТИНИНГ ОРГАНИ

Октябрь 50 йиллиги номини олиш учун курашаётган бригада



### «МЕХНАТ ЭСТАФЕТАСИ» «ЮЛДУЗ» ФИРМАСИДА

банинда бу китоб бир қанча корхоналарда бўлди. 5 июлда унинг «Таштекстиль» машини заводининг М. Кудибоева ва А. Кротов бошлиқ бригадалари билан биринчи марта қабул қилган эдилар. Улар Октябрьнинг 50 йиллиги номи коллектив деган шараф учун курашиб, меҳнатда катта ютуқларга эришдилар.

Чиройли қилиб безатилган бу альбом бугун Киров районуни етиб келди. Киров районуни жамоатчилик вакиллари хужалик буюмлари заводининг делегацияси билан биргаликда меҳнат эстафетаси китобининг мазмуни билан танишиб чиқдилар ва «Юлдуз» тикуччилик фирмаси томонидан йил олдинлар. Фирманинг 4-тикус цехида аяққалар ва китоб хурмат билан қабул қилинди. Бу цехда Валентина Орешкина ишорлар бригадасини бошқарибди.

О. Раҳимов эстафета китобини тикуччиларга топшира туриб; унинг бригадаси сентябрь ойида йиллик план топшиқчиларини муваффақият билан адо этганини ҳақиқат рапорт берди. Бир-бирларига маъноли қараб олган тикуччилар ўз дугоналарига: «Қани, Валя сен ҳам бирон нарсая айт» дейишди. — Биз ҳам истремалик Валентина Плетнева ташаббуси билан йил олдинки йиллик план топшиқчиларини сентябрь ойида ўринлатди, — деди В. Орешкина. Шонли юбилейга бағишланган ишчилар коллективларининг ютуқлари кун сайин ортоқда. Совет мамлакатининг шонли юбилей арафасида ишчилар аjoyиб меҳнат намуналарига эришмоқдалар.

Келаси ҳафтада тикуччилар ўз турмушларини, меҳнатлари ва дам олишлари қандай ташкил этганиларини ҳақиқат билан айтишлари мумкин бўлади, улар райондаги асосий заводда топшиқчиларини.

СУРАТДА: Бугунги Белоруссия пойтахтидаги Ленин проспектида. Уртадаги суратда эса «Лявониха» халқ ашула ва рақс ансамбли қатнашчилари—Минск трактор заводининг ишчиларини кўриб турибди. Улар берган концертлар ҳар вақтдагидек, бу гал ҳам муваффақиятли ўтди. Мамлакатимизнинг кўпгина шаҳарларда гастролда бўлган бу ҳаваскорлик ансамблининг санъати ишчиларнинг дилини ўзига мафтун этди.

### Совет ҳокимиятининг 50 йиллиги олдида

## БУГУНГИ БЕЛОРУССИЯ



Бошидан бери корхонада пландан ташқари 3 мингдан ортиқ телевизор ва радиоприймниклар ишлаб чиқарилди. Корхонада ишлаб чиқариш технологияси такомиллашмоқда. Завод приёмиликларини йиғадиган янги конвейерлар билан жиҳозланмоқда.



СУРАТДА: Бугунги Белоруссия пойтахтидаги Ленин проспектида. Уртадаги суратда эса «Лявониха» халқ ашула ва рақс ансамбли қатнашчилари—Минск трактор заводининг ишчиларини кўриб турибди. Улар берган концертлар ҳар вақтдагидек, бу гал ҳам муваффақиятли ўтди. Мамлакатимизнинг кўпгина шаҳарларда гастролда бўлган бу ҳаваскорлик ансамблининг санъати ишчиларнинг дилини ўзига мафтун этди.

Охириги суратда Минск радио заводининг коллективи Совет ҳокимиятининг ярим асрлик юбилейини муносиб кўтуб олишга ҳозирлик кўряпти. Йил

### ЎЗБЕКИСТОН САНОАТЧИЛАРИНИНГ ҒАЛАБАСИ

Ўзбекистон сановат корхоналарининг 50 йиллиги шарафига социалистик мусобақани кўчатириб, набатдаги ғалабани қўлга киритдилар. Янги маҳсулот ишлаб чиқариш 9 ойлик план мuddатидан олғари 23 сентябрда бажарилди. Ой охиригача планга қўшмича яна ўнлаб миллион сўм

### ЎЗБЕКИСТОН ССР ОЛИЙ СОВЕТИ ПРЕЗИДИУМИНИНГ ФАРМОНИ

ЎЗБЕКИСТОН ССР ОЛИЙ СОВЕТИ ПРЕЗИДИУМИ ҚАРОР ҚИЛАДИ: Еттинчи қақриш Ўзбекистон Совет Социалистик Республикаси Олий Советининг икинчи сессияси 1967 йил 24 октябрда Тошкент шаҳрида чақирилсин.

### ТУРКИЯ БОШ МИНИСТРИ ТОШКЕНТДА

Совет ҳукуматининг таклифига биноан расмий аяқит билан СССР-да турган Туркия Бош министри Сулаймон Демирел 23 сентябрь кечкурун Тошкентга келди. Бош министрининг СССР буйлаб қилган сафарига унга ҳамроҳ бўлган Туркия давлат арбоблари, шунингдек Туркиянинг СССРдаги элчиси Ҳасан Асат Ишиқ ҳам ўша самолётда келишди.

### РАЙОН ПАРТИЯ КОМИТЕТЛАРИ ПЛЕНУМЛАРИ

ЮБИЛЕЙ СЎЗСИЗ МАЖБУРИЯТЛАРИ БАЖАРИЛАДИ

### ЎЗБЕКИСТОН ССРДА ХИЗМАТ КЎРСАТГАН ПАХТАКОР


Кўкракка тақиллаган белги тешикча ва халқча орқали қолдоғига уланган бўлади. Қолдоқнинг ўрта қисми Ўзбекистон ССР Давлат байроғи рангига бўлган муар лента билан қопланган.

Киров район партия комитетининг набатдаги плениумида райондаги коллективлар ва ташкилотларнинг Совет давлати 50 йиллиги юбилейи шарафига олган социалистик мажбуриятларини бажарилиши тўғрисида қизгин гап бўлди.

Райондаги корхона, уртасида Инструктаж, «Промсвяз», «Гидрометприбор» заводларининг трикотаж фирмасининг коллективлари яхши ишладилар. «Юлдуз» тикуччилик фирмасининг коллективи социалистик мусобақадан бир неча бор галиб чиқди. Партия ташкилотлари,

### И К К И СМЕНАДА

Боку кўрилиш поездининг азамат буюмларини тошкентликларга кўпалак чиройли ва мухталиқ уйлар турмоқда. Улар икки рақонда: Чилонзорнинг 24-кварталида ва 3-Рисовая кўрилиш рақонига ишламоқдалар.



Тасвир ва ёзувлар бўрттириб берилган.

### ҚАҲРАМОН ШАҲАР СОВҒАСИ

Қаҳрамон шаҳар Волгограддан келган қурувчилар 400 кишидан иборат. Булар қаҳрамон шаҳарни тиклашда, унинг иқтисодий ва маданий ҳаётига асосий рольни ўйнашда кўрсатишган.



1-Киев кўрилиш поездининг қўли Гул буюмлари пойтахтимизнинг Кафанов ва Титов кўчалари муволиқда турт қаватли 65 квартиралар турар-ной буюмини бунёд этаётдилар. Бу ерда 50 буюмкор жонбозлик кўрсатмоқда. Янги уй керамин плиталар билан жиҳозланган бўлади.

Октябрь район партия комитетининг набатдаги плениумида айрим корхона партия ташкилотларининг Ўзбекистон КП Марказий Комитетини бешинчи плениуми қарор қилинган эди.

### ЖАНГОВАРЛИК ВА ИШЧАНЛИК КЎРИГИ

Октябрь район партия комитетининг набатдаги плениумида айрим корхона партия ташкилотларининг Ўзбекистон КП Марказий Комитетини бешинчи плениуми қарор қилинган эди.

# Шаҳарликлар дастурхони сабзавот ва мевага мўл бўлсин

## Олибсотарлар кўп экан

Сентябрь кунларининг эрта тонги. Шаҳарнинг Октябрь бозоридан. Колхоз дўконлари ва «Ташзаготлодоовошторг»нинг магазинлари ҳали очилмаган. Олибсотарлар эса алла қачон иш бошлаганлар. Шаҳар агрофига қатновчи ўша автобуслар бозорга бирин-кетин келиб тўхтади. Бу машиналарнинг ҳар бири сабзавот ва мевалар солинган саватлар, яшиқлар ва қоплар билан тўла.

Колхозчи Майрамхон Рахмонов икки қоп ош кўклар олиб келган. Шу ернинг ундай қайовчилар унинг қолларига ёпирилиши.

— Бугун неча пулдан берасиз?

— Бир бор 15 тийин... Дарҳол ҳисоблаб чиқилди. Колхозчи тегишли ҳақи берилди. У эса қопининг тез бўшатирилган хурсанд бўлиб, шунга қараб қайтиб кетди. Чайковчилар ҳам хурсанд. Улар шундан ҳам равишда олган молни тартибга соладилар: Укропга оғина пеструшка, сельдерей қўшадилар; бир бор ош кўни 4—5 бор қилиб ҳеч утмасдан 10 тийиндан сота бошладилар.

Шаҳардаги бозорларда ана шундай техниклар, меҳнатқилларнинг тер тўни топан пули ҳисобига яшовчи қайовчилар ҳаддан ташқари кўп.

...Манзур Тешабоева Чилонзорнинг 7-кварталда яшайди. Лекин Октябрь бозорига савдо қилади. Зулфия



Мана, бозорнинг сабзавот маҳсулотлари билан савдо қилувчи асосий қисми. Бу ердаги асосий маҳсулотлар кишиларнинг шахсий томирларидан келтирилган. Аммо бу маҳсулотларнинг сифати яхши.

Абдуллаева, Шукра Раҳмонова, Лутфия Умарова, Жамила Раҳматуллаева, Муҳаррам Хакимова ва шунга ўхшаш ўша унинг дугоналари ҳам ана шундай ош кўни олиб сотиш билан шуғулланиб келадилар. Уларнинг кўпчилиги ҳеч қаерда ишламайди.

Хасан Маҳмамов колхозчидан ултуржасига 28 килограмм болгар гаримдориси сотиб олди. Бунча гаримдорини нима қиласиз? — деган саволга узоқ ўйлаб турмасдан:

— Ҳали касалхонадан чиққан эди, ичкинагица янги-янгидек бермоқчиман, — деб жавоб берди.

Бу қайовчилар ўртасида анча ном чингарилари ҳам бор. Агарда Оржоникиде район соғлиқни сақлаш бўлими ўзининг ходими Қамол Жаримбековни истаб юрган бўлса, биз уни қаердалигини айтиб беришимиз мумкин. У «Узбекистон» заводининг ённдаги гузарчада сабзавот олиб-сотиб билан банд. Калинин районидан Лелия номли колхозда яшовчи ўқитувчи хотин Инюэт Исломова ва Низомий номли Пелагоника институти ўқитувчиси-

нинг хотини Муқаддас Нурридидовлар ҳам ана шу гузарчада ҳар кунини завод кишиларининг пулини шилли олиш билан банд.

Октябрь бозорига шахсий кишилар ва олиб-сотарларнинг сотётган моллари сифати, қилинган. Шунинг учун бўлса керак, уларнинг нархи ҳам ҳаддан ташқари ортиқ: узумнинг бир килограмми 70 тийин, қарам — 20 тийин, бақлажон — 25 тийин. Олувчи қиммат бўлса ҳам ана шу сифатлисини олади. Бошқа яқини йўқ.

## Колхоз савдоси қаерда қолди?

Калинин районидан Оқунбобов номли колхоз дўконига келдик. — Нимани хоҳлайсизлар? — сўрайди биздан сотувчи.

Биз хоҳлаган нарсанинг номи-нишони йўқ бу ерда. Сўлиб қолган ёнғоқдай-ёнғоқдай лезининг 1 килограмми 15 тийин, сочилиб кетган қрам узумининг бир килограмми 40 тийин, бундан ташқари бу ерда сўлиган қизилча, ўтган билдан қолган жийда бор, холос.

Унинг ёнида генерал С. Раҳимов номли колхознинг дўкони жойлашган. Бу ерда ҳам энг сифатсиз картошканинг бир килограмми 11 тийиндан, қиринган олманнинг бир килограмми 25 тийиндан сотилмоқда. Калинин районига довг чингарган колхозларнинг аҳволи шуми?



СУРАТДА: «Октябрь» колхоз бозорига очилган сабзавот, помидор маҳсулотлари, мева ва узум ямарнасидан сотилаётган маҳсулотлардан намуналар. Бу қуртлаган олмалар «ҳардорғир» лигидан буришиб-қуришиб ётибди.

эди. Колхозчилар шаҳарга бориб-келиш учун вақтларини сарфламас, ортиқча йўл ҳаражати қилмас эди. Уртада турган олиб-сотарларга ҳам ўрин қолмас эди.

Колхозлар шаҳарга жуда эски мол келтирмақдалар. Шундай бўлганда кейин табирилов ташкилотлари қолхозларга ва совхозларга боришлари керак эди. Афсуски, сабзавот ва мева тайёрлаш, уларни шаҳарга келтириш сотиш ашварди аҳволда.

## Магазинларда аҳвол ундан баттар

Октябрь бозоридан катта сабзавот павильонига «Ташзаготлодоовошторг»га қарайди. Павильон сотувчилари мол йўқлигидан эсанб ўтиришди. Павильонда энг сифатсиз картошканинг бир килограмми 11 тийиндан, етилмаган қовчиқнинг бир килограмми 7 тийиндан, сотилаяпти. Мевалардан олма, нок ва узум бор, холос.

— Бугун ҳеч ким олмайди, — дейди сотувчи Э. Худойбердиев.



Қишга бақлажон қоқи қилувчилар шу ямарнага келсинлар. Қуртилган бақлажонлар натегорисига қараб 13-16 тийиндан сотилапти.

Бунга таажжубланмас ҳам бўлади. Чунки бу ердаги молларнинг сифати, қўрилиши ҳеч қимга ёқмайди. Бунинг учун павильоннинг ёнбошида томирлардан келтирилган сифатли турли-туман мева ва сабзавотни тандаб олиш мумкин.

Бозорда Октябрь «райпишчоторг» томонидан ташкил қилинган сабзавот ямарнаси анча ўринни эгаллаган. Лекин бу ерда ҳам аҳвол чокот. Ҳар аҳтимолга қарши биз бу ямарнанинг суратини олиб қўйдик.

Савдо ташкилотларига ва колхозларга тегишли сабзавот дўконларида молнинг сифати ҳаддан ташқари паст даражада.

Шота Руставели кўчасида жойлашган 9-магазинда ҳам бўлди. Кенг ва яхши жиҳозланган хонадар. Маданий савдо учун ҳамма шароитлар тугдирилганга ўхшайди. Лекин юқорида айтганимиздек, бу ерда ҳам сотадиган ҳеч нарса йўқ. Яроқсиз бўлиб қолган олма ва эзилб кетган помидордан ташқари магазин полкаларида ҳеч нарса



Қачонлардир Октябрь колхоз бозорига тўралган сабзавот расмий кооператив йўли билан сотилар эди. Бу эса кўнгина эди. Энди эса тўралган сабзавот билан савдо қилиш айрим ҳусусий шахсларнинг қўлига ўтган. Улар бу исбони даромад ортириш манаби қилиб олганлар. Мана бу суратда тўралган сабзавот 15,20 тийиндан олиб, 60 тийиндан сотётган Санобар Усмонова ва унинг шеригини кўриб турибсиз. Уларнинг ёнида эса бозорда тартиб ўрнатилган ушун тайинланган контролёр Йўлдош Турғунов. Унинг айтишича бозорда нимининг тўралган сабзавот сотиши билан унинг иши йўқ эмас, уни фақат бозорда сотиладиган молнинг сифатига қизиқтирар эмиш.

йўқ. Ана шундай сифати бўзилган помидорнинг нархини нима учун 2—3 тийинга тушириб сотилаётганини сўраганимизда, магазиндаги молнинг сифати яхши деб бизни енгмоқчи бўлишди.

Эҳтимол фақат шу магазиндагина ана шундай қолдиқ мева ва сабзавот билан савдо қилинаётқандир? Афсуски, ундай эмас. «Ташзаготлодоовошторг»нинг қолган 15 та магазинининг кўпчилигида ҳам аҳвол ана шундай. Бунга торнинг бухгалтериясидан олган қўлидаги рақамлар далил бўла олади. Тоғ бўйича сентябрнинг биринчи ярми мобайнида 4589 сўмлик маҳсулот яроқсиз деб топилган ва нархи пасайтирилган.

## Нима учун савдо ёмон ташкил этилган

«Ташзаготлодоовошторг» директорининг ўринбосари Н. Зокирова ана шундай савдо қилинаётқандир. У бўлса шаҳарда фирма магазинлари олинган баҳона қилиб кўрсатди. Унинг фикрига қараганда Тошкентда ана шундай магазинлардан камиди 200 та бўлиши керак эмиш. Ҳозир эса фақат 15 та.

Шаҳар озиқ-овқат савдоси ва райпишчоторглар ҳам мева ва сабзавот сотиш вазирасини ёмон бажармоқдалар. Бу ерда биз ўртоқ Зокировка кўчилишимиз. Бошқа томондан қараганда шунга айтиш керакики, агарда ўртоқ Зокировнинг ўйлагани амалга оширилиб, 200 та магазин қурилган бўлса, бу магазинларда нима билан савдо қилар экан?

Барибир ўртоқ Зокиров

бизнинг саволимига тўла жавоб бермади. Бозорга келган маҳсулотларнинг кўпчилиги олиб-сотарлар қўлига ўтиб кетмоқда. Терговчи ўртоқ Спенаторнинг айтишига қараганда, «Ташзаготлодоовошторг»га қарашли 27-магазин ходимлари Йўлдошев ва Алимов бу ерда келган картошка ва бошқа сабзавот маҳсулотларини меҳнатқилларга қанчалар сотиш ўрнига бошқа томонларга «ултуржасига» сотиб юбормоқда. Бундай ҳолатлар бошқа жойларда ҳам учрайди.



Сўлиган «барана» сабзавотни кўрган харидорлар теснари қараб ўтишди. Тагин унга 15 тийин нарх қўйилган. Шу нархда харидорлар бозордан сабзавотни тандаб олиш япти.

Савдо ходимлари ҳалол ва виждонли ишлаётган магазинларда аҳвол бошқача. Асака майдондаги биринчи магазин тоналари олма, узум, сабзи, помидор, қизилча, бақлажонлар билан тўлиб ётибди. Уларнинг сифати ҳам яхши. Олувчилар бозорга бориб, олиб-сотарларга ортиқча ҳақ тўлаб ўтirmайдилар. Чунки бу ерда магазин мудири С. Мўқимова жонбозлик билан ишлайди, ўзи колхозларга чиқади, улар билан шартномалар тузиб, тўридан-тўри маҳсулотни магазинга етказиб келди.

## Ҳал қилиниши лозим бўлган масалалар

Ушбу рейдни ўтказиш давомида ҳал қилиниши лозим бўлган баъзи бир масалалар яққол кўзга ташланиб қолди. Биринчидан: чайковчилар

ва олиб-сотарларга нарини қурашни қучайтириш керак. Бу вазифа даставвал миллий органларга ва ҳалқ дўжончиларига юклатилган. Лекин бу ишни ҳал қилишга бозор комитетлари ҳам ўзларининг ҳиссаларини қўшадилар ва қўшишлари шарт. Яна ана шу Октябрь бозорини мисолга келтирамиз. Бозорком шунга сўлимоқда — 72 кишидан иборат Бозор директори Т. Орифзонов, унинг ўринбосари М. Муталов ўртоқлар бор. 14 коммунистни ўз ичига олган партия ташкилоти ҳам бор. Унинг секретари Х. Нурмухамедов. Ҳамма нарса мавжуд Фақат харидорлар маънафини ҳимоя қилиш учун қураш етишмайди. Бозорком ходимлари савдо министрлиги томонидан чиқарилган қондан пеш қилиб оладилар-у аммо ўзлари савдо тартибига бақат юзани эътибор берадилар. Уларнинг иши сотувчиларни торози, ҳалат билан таъминлаш ва уларга жой кўрсатиб беришдангина иборат бўлиб қолган.

Шунинг ишонч билан айтиш мумкинки, бозорком ходимлари Савдо министрлиги чиқарган қондан яхши тушуни маганлар. Бу қонданги иқтисодий пунктда бундай де-йилган: «Колхоз бозорларида қўйилган: а) колхозлар, колхозчилар ва бошқа граждандар ўзларининг ортиқча нишлук ҳўжалик ва човва маҳсулотларини сота олишлари мумкин...»

Залларнинг ортиқча маҳсулотларини, деган жойини таъкидлаб ўтмайиз. Лекин бу қонда ишда олиб-сотарларнинг фойда қўрилиши учун шартин тугдирди турғусида ҳеч нарса айтилмаган. Бироқ бозор назоратчилари бу ердаги ҳар бир олиб-сотарни ва чайковчинини жуда яхши таъиниши қарамасдан уларга қарши ҳеч қандай қураш олиб бормайди.

Иккинчидан: чайковчилар ва олиб-сотарларнинг бозордан қисиб чиқариш керак, албатта. Аммо чайковчиларнинг фақат бир йўл — шаҳар савдо тармоқларида ва колхоз дўконларида сифатли ва арзон сабзавот ҳамда мева тўлиб-тўшиб ётгандагина уларни йўқотиш мумкин. Ана шундай чайковчи бозорга кирмайди. Ана шундай мўл-кўлчилик шаҳар савдо ташкилотлари — «Ташзаготлодоовошторг», «Горплотторг» ва «Ташгоркоопторг» ларнинг фаолиятига ва ташкилотчилигига боғлиқ. «Ташгоркоопторг» раҳбарлари ва ходимлари қишлоқ ҳўжалик маҳсулотларини бевосита колхозлардан олиб келиб сотиш билан мўлақот шуғулланмай қўйдилар. Улар шаҳарда сабзавот ва мева савдосини ўз ҳолига ташлаб қўйдилар.

Шаҳар атрофида жойлашган Ҳўжалиқлар сабзи, пеструшка, сельдерей, укроп ва бошқа ош кўкларини етиштириш билан шуғулланмайдилар.

Шаҳар савдо бошқармаси магазинларда ва колхоз дўконларида сабзавот ва мева-ининг мўл-кўл бўлишини таъминлаш зарур. Уларнинг сифати аъло даражада, нарин эса арзон бўлмоғи даркор!

«Тошкент оқишони» ва «Вечерний Ташкент» газеталарининг рейд бригадаси: Р. ПЛУН, Г. ЯН, Ю. МОДЕСТОВ, М. РАХИМОВ, Н. ПОПОВ, Ю. РУННОВ, С. БРИНСКИХ, А. ОБИДУНОВ, Е. Э. КОДИРОВ, С. МУХАМЕДОВ, Ш. ГАЛИМЖОНОВ, Д. ОСТРИЦКИЙ, В. ДМИТРИЕВ, М. НУРИДДИНОВ фотолари.



## Италия маданий ҳаётининг янгиликлари

### Нодир суратлар кулфлаб қўйилди

Италия меҳмонлари бўлган туристлар Леонардо де Винчининг «Тун сирин», «Капитолиянинг урғочи бўриси» номли суратларини, Уррици ва Питти галлерияларининг машҳур полотноларини ҳамда Италия музейларининг бошқа унлаб атоқли экспозицияларини сентябрь ойда қўрғолмай қолмадан хавфсиз рақобат қилди.

Сентябрь ойда чет эл туристлари аниқсиз кўп келди. Италия музейларининг ходимлари аниқ шу ойда ўз иқтисодий талабларини қўлаб-қувватлаш ҳамда мамлакатнинг бадиий тарихий меросини асраб бўйича тегишли чоралар кўриш ишининг қўли қўйиб бўлмаслик

даражада кетга сурилиб қолган билдириш юзасидан сепарияли иш ташлашлар ўтказишни белгилдилар. Италия бадиий бойликларининг вақрон бўлаётгани ҳақидаги ташвишли сигналлар ҳукумат томонидан эътиборсиз қолдирилганганида кейин, — дейилади мутаъазий касаба союзуларининг маърифий министрлигига еган хатда, — улар шу охири чорани қўлаб-қувватлаш мажбури бўлади.

«Бунга масаланинг ҳал қилиниши ақалли бир кунга бўлса ҳам кечиктириб юбориш мамлакатни баҳор бойликлардан маҳрум қилиши мумкин», — деб қайд қилиб курсатилган, касаба союз арбоблари.

### «Йигирма уч марта пичоқ уриш»

Франческо Розини Италия ва чет элларда кенг маълум бўлган «Сальвадор Жулони», «Шаҳар устидаги қўл» фильмларининг автори ҳамда режиссеридир. Розини режиссерларда Италиядаги ҳуқуқор мулкдорларнинг ахлоқини дадиллик билан ёрқин фот эфди. Ҳозир бу талант кинематографчи янги сценарийни тайёрлашга киришди. Бу фильм «Йигирма уч марта пичоқ уриш» деб аталади. Унинг сюжети Цезарга қарши уюштирилган фитна, унинг ўлдирилиши ва

### Дарио Фонинг янги комедияси

Миландаги драматик саҳналарнинг биринчи бўлимида «Мандонини кўчасидаги театрда» Италиянинг машҳур артисти, режиссер ва комедиограф Дарио Фо ўзининг янги комедиясини саҳналаштириш ишини тугаллаттир. Бу комедия «Улоқтириб ташлашни керак бўлган Синьора» деб аталади. Асар номи таъкид «комедия» фақат маскаробозлар учун деган кичик сарҳлаш ҳам бор.

Бу комедия қаҳрамонлари катта дайди циркнинг артистларидир. Гастроль вақтида унинг касса раҳбари қазо қилади. Труппанинг чиқиши

дариға жон киритган қисилатилган ёш акробат қиз унинг ўринини босадилар. Ниҳоят цирк Даллас шаҳрига келади. Бу ерда янги раҳбар қизни қўлаб-қувватлашга ўлдириб қўядилар. Автор томошабинлар сонининг камайиб кетиши билангина чекланмайди. У мамлакатда юзлаб кинотеатрларнинг оммавий равишда ёпилишига олиб келмоқда. Яқинда ленталар прокати билан алоқадор бўлган ташкилотлардан бири кейинги уч йил мобайнида Италияда 600 дан кўпроқ кинотеатрнинг ёпилиши ҳақи-

### Одамлар кинотеатрларга бормай қўйдилар

Италия киносидида да далолат берувчи маънавий ҳақида бу ерда лумотини эълон қилди. Ҳозир кўп ёзадилар ва Танглик ҳаммадан қўра гапирдилар. Бу танглик Италиянинг шимолий ва марказий районларидаги иқтисодий ривожланишга зарар етказди. Кейинги уч йил ичиде 99 кинотеатри ёпилган Ломбардия области тангликлардан зарар қўришда биринчи ўринда, Пьямонте, Эмилия, Тоскана ва Лацио областлари ундан кейинги ўринларда туради.

И. БОЧАРОВ, АПН мухбири.

## ГАЗЕТА — ҲАЁТ ОЙНАСИ

Газета биз учун эмасдир эрми, у кундалик ишимизда берадир кўмак. Уз даврининг қалам соҳибни, совет поэзиясининг асосчиси В. В. Маяковскийнинг газетасига берган тўғри, олижаюб баҳоси ҳозирга қадар янграб келмоқда. Дарҳақиқат, газета ўзининг яратилишидан тортиб, то ҳозирга қадар меҳнатқиллар ҳаёти билан чамбарчас боғлашиб келмоқда.

Фан ва техниканинг бекибс гуруллаб ўсгани натижасида матбуотнинг энг яхши, қулай тури бўлган газета ҳам ўсди, ҳам чиниқиб возга етди. Республикамизда революциядан олдин, бори-йўри 3 та газета чиқса, ҳозирга кел-

иб 172 номда газета чиқади. Бу эса, газетанинг кишилар онига тобора сингиб бораётганлиги, меҳнатқилларнинг газетасига бўлган талабининг ошганлигидан далолат бериб турибди.

Эндиликда кишилар ҳаётини газетасиз таъсир қилиш қийин. Газеталар газета орқали турли хил қизиқ-қизиқ аниқлиқлар, кашфиётлар, дунё воқеалари билан танишди, фикр-мулоҳазалар юритишди ва маданий ҳордик чиқаришди. Хуллас, газета коммунизм тантанаси сари олға қараб бораётган совет кишиларининг ўз қиёфасини кўриши мумкин бўлган ҳаёт ойнасидир.

Баъзан киоскдан газета олиш учун 50-60 кишидан кейин анча вақтгача навабат кутиб туришга тўғри келади. Биз, студентлар йиғим-терим мавсумида пахта теришга чиқиб кетишимиз тўғриси газетага

Киоска атрофида тоқатсизлик билан навабат кутиб турган газетакорларнинг аксарияти тошкентликдир.

Бу манзаранинг гувоҳи бўлган — қизиқ, шаҳарликлар учун газетасига бўлишининг имконияти борку! Бу ерда навабат кутиб нима қилдилар, деб ўйлаймиз. Баъзан кўпчиликнинг фикри-зиқри қаратилган «Совет Ўзбекистони», «Ўзбекистон маданияти» каби газеталарни киосклардан тополмай қолсан киши. Бу гаплар айниқса «Союзпечат»нинг С. Раҳимов кўчасида жойлашган киоскага тааллуқли.

Ҳурматли газетакорлар! Мана келгуси йил учун обунга бошланди. Айниқса, шаҳарликларга газета ва журналларга обунга бўлишга шовилмоқдалар.

Ж. МАЖИДОВ, ТошДУ студенти.

ТОШКЕНТ ОҚШОМИ 26 БЕТ

25 сентябрь, 1967 й.



Тошкент ёғмои комбинатининг коллективи Улуғ Октябрьнинг 50 йиллик тўйини муносиб кутиб олиш учун катта меҳнат совғалари тайёрламоқда. Коллективте биринчи навабатда йиллик маҳсулот ишлаб чиқариш тошқирини муддатидан анча яхшироқ адо этиш ҳамда пиландан ташқари мажбурият ҳисобига кўпгина сифатли маҳсулот бериш учун фидоқоро на меҳнат қилаёттир. СУРАТДА: автоклав цехининг пешонада ишчилардан бош автоклавчи А. Абдурахмонов ва смена бошлиғи Сидик Назаров ўртоқлар билан вахтаси навабтичилигида турибдилар.

# ЖАНГОВАР ЙИЛЛАР КУЛГИСИ



«Чайнамай еган, оргинай улар.»



Кейинги вақтларда чапанлар, безорилар ўртасида мастлик билан мушталашилар, пичоқ уришлар кўрина бошлади. Миличия идоралари бунга натта эътибор қилмайдилар. — Худоб талба, шаҳарнинг тўпни қилиб икйвораман! Азбори худоб, бу юрак миллиционерни менга ни почом...

**ТУЛАГАН ХУЖАМЕРОВ (МАҒЗАВА)**  
**БУ ҲАМ БИР АШУЛА**

Колхоз иши тузалмас, бойни йўқотмагунча,  
Мушти йўғони ҳайдаб, жарга кулатмагунча,  
Ўзига муштин эмланг, мойни бушатмагунча  
Қўл қовшириб буниб тиз, сизга узатмагунча.  
Дом зарар кўрасиз, борни тугатмагунча.  
Ҳаш-паш дегунча бойлар, деҳқон кўзин бўйлар,  
Оргитмайни, қўлга туша кўзин ўйлар,  
Ҳеч уйламанг бу пеллар, одатларин кўйлар,  
Бўлимш қачон бу бойлар, батракна жон кўйлар,  
Айланг хазар булардан, ҳар би таротмагунча,  
Бой бирла камбағаллар бир-бирига ҳеч ечимас,  
Ўт-сувин бирга қўйсанг, ҳеч бир замон топшмас,  
Қўйни бўрига қўйсанг, юз йил туриб танишмас,  
Ички кўчорнинг боши, қайнаб қозонда пишмас,  
Батрак ҳақин оломас, бой гурда ётмагунча,  
«Бобой, «Хорма» деб чанирса «бор бўл» деманг лангиллаб,  
Қуйруқча теп, йўлсизин, паттойиси шақиллаб,  
Олма қулқони юрсин, қўрбақдек вақиллаб,  
Қўйсин унинг тоғони, бизни кўриб танқиллаб,  
Ўз гўштини ўзига, қўймай ошотмагунча,  
Қўнлаб нелиб етишди, вақтида ишла деҳқон,  
Батрак ва камбағалга, меҳнатда ер бўлур ном,  
Қўрғон тоғига ҳам эк, топсанг агар бир имон,  
Қолдирмагил, қўлингга харғиз чигит билан дом,  
Яшнарни тоғу-тошлар деҳқон лашнатмагунча.  
(1930 йил, 5-сон).

**МУЛЛАЛАРГА АРЗИ ИХЛОС**

Халим этай орзу баён мулалар,  
Садда сизга шону шохон мулалар,  
Қўнжа чинар оху-фитони мулалар,  
Эт бузилиб кетди ёмон мулалар,  
Айлангангиз, бунга тўмон мулалар,  
Кангаш этиб ёш қори булловои,  
Иди йўлни борганча айлаб қўлай,  
Йўлни ҳунар уларидан берди жой,  
Йўқил эли кўл «кўтариб» кетди жой!  
Бўлди сизга натта эиен мулалар!  
Ҳаммаданам ўтди хотин-қиз иши

Партияга кирган эмиш юз киши,  
Қисқа ақларнинг надиҳ хоҳиши!  
Боши қотиб мот бўлади қар киши,  
Шарму-ҳав кетди қай қуллалар!  
Эрлар ила олув эмиш тенг кукук,  
Қолмас эмиш борча бунардан курук,  
Тошлар миш бошу-ҳундан тўсуқ,  
Топар эмиш ҳар бир иша йўл-йўрик,  
Бермас эмиш сизга омон мулалар!  
Бошлиқ бўлиб маҳмадона беш-ўни,

**ҚЎЛТИҚЛАНГАН КАЛЛА ТўҒРИСИДА ҚОФИЯЛИ ВАЪЗ**  
(ТИЗМА ФЕЛБЕТОН)

Очрид деган ўз-ўзидан тузилмағай,  
Тақсимотнинг тептасида тўғри қилмай  
Неча баднафс ўз ҳиссин қилиб момай,  
Балоларни бизга юксилар дўстларимо,  
Газетада ёзилб қизиқ хабар,  
Англияннинг олтинга учган хумлар,  
Гўшту-ёғнинг сарқоридан неча нафар  
Қўй-қўзини қирар жан дўстларимо,  
Биз илоннинг бошини ланчлик бермай омон,  
Энди нават қолди унинг думи томон,  
Тошкентдаги қўшонамиш душманга ён—  
Туттасинан бера лаган!—дўстларимо,  
Бу тўғрида Аҳмад ўгли ёзди фикрин,  
Биз ҳам солдик шу тарафга кўзингиз қирин,  
Маш-машалар ўрмалади бирин-сирин,  
Уйлаб-нетмай эзабердин дўстларимо,  
Тупроққўрғон қирғонини кўрдингизми?  
Ким нелса ҳам баранга йўқ, ёни тини,  
Мингдан ошиқ қўйлар ўлди қичқоми ики,

Очлигидан, ем-хашаксиз дўстларимо,  
Қўшонада нўллар янги маҳалладан  
Кўпчилигининг ҳақи ёнғон, бир палладан  
Қўлтиқларга қисиб олиб бир налладан,  
Ҳақин олама нетадилар дўстларимо,  
Ғофир ўгли Соат ўш беш қадоқ биқин,  
Ундан сўнгра етти қило ёни семин,  
Умарганин ушлаб қолдиқ эссиз-лекин  
Ҳайдар акам хашушладил дўстларимо,  
Яна янги маҳаллани Юнус саллоҳ,  
Таги жуда сирқирармиш урсангиз шох  
Иш-ишим бўлди лаб тишаниб дўстларимо,  
Қўчқор, Ғофирбойлар билан Воқижон ана  
Рабочилар қаторида сиз бир пакиа  
Гўшт ёғларини ҳеч нормасиз оласиз нега?  
Биз шу ишга жуда қайрон дўстларимо,  
Моҳман Тошмак ўғрилди салкам тапа,  
Бунни билди завном, мудир ҳам қичқо!

**КТЯБРЬ** инқилобнинг 50 йиллик тўғри ақнида шун кунларда халқимизнинг эрим аср мобайнида босиб ўтган сермазмун йўли, мамлақати мизини тарихига назар солишимиз табиийдир. Зероки бу йўл — жанг-жадаллар, меҳнат ва машаққатлар, кураш ва энгишлар, ғалабалар йўлидир. Эски дунёни бузиб, ағдариб унинг ўрнига янги дунёни барпо этиш ўз-ўзидан бўлмади албатта. Ўз ҳукмронлигини абодий деб билган эски дунё осонликча жон бермади. Меҳнаткаш халқ эски дунёга, унинг ўз умрини яшаган иқтимоий тартибларига, чиркин мафкура-сига қарши курашда барча хил қуроллар билан бир қаторда қўлининг даҳшатли кучидан ҳам фойдаланди.

Кулнинг инсоният тарихидаги иқтимоий ролига К. Маркс юқори баҳо бериб, қўлининг инсон қўлида, синфлар қўлида қувватли қурол бўлиб хизмат қилишини таъкидлаган эди. «Тарих ҳаётнинг эски формасини гўрга олиб ятар экан, — деб ёзган эди К. Маркс, — асосли равишда ҳаракат қилди ва қилгани босқичларини босиб ўтди... Сўнгги фазаси — бу комедиядир. «Маркс бу қонунини тўшунтирар экан, шундай деб илова қилди: «Бу нарса — инсониятнинг ўз ўтмиши билан хушқадмақ хайрлашуви учун керак».

Ўз умрини яшаган эскилик-янгилик билан қарам-қаршиликча учраб ўзида маълум хусусиятлар пайдо қилади. Эски иқтимоий муносабатлар, эски тартиблар эндигина қарор топаётган янги, прогрессив муносабатлар ва тартиблар олдига бўлмағунча ва ҳеч нарсага эришмасликни бутун дунёга ошқорла қилиб қўлади, ўз-ўзидан мақсат бўлади. Янги дунё эса эски дунёдан ўзининг афзаллигини сезган ҳолда эски дунё устидан ғазаб ва нафрат билан кулади, унинг тезроқ даф бўлиши учун курашади.

Бу объектив қонуният жамиятимиз тарихида ҳам бутун борлиги билан намоён бўлди.

Меҳнаткаш халқ ўз умрини яшаган эски дунёга, унинг вақиллари бўлган бойлар, савдогарлар, дин пешволари ва бошқа ярамас иллатларга қарши қўлининг иқтимоий кучидан ўткир қурол сифатида фойдаланди. Бунда революция натижасида вужудга келган ўзбек сатирик журналистикаси ва унинг асосий органи бўлган «Муштур» журналы катта роль ўйнади.

«Муштур» юзага келган даврда ўлкамизда синфий кураш

## Даҳшатли қаҳқаҳа

ниқоят даражада кескинлашган ва мамлакат иқтимоий ҳаётида чўқур революцион ўзгаришлар оқибатини кўрсатган эди. Мамлакатда контрреволюцион кучлар, ағдариб ташлаган эксплуататор синф вақиллари—катта ер эгалари, сармождор бойлар, савдогарлар билан меҳнаткаш халқ ўртасида «юм-килини энгади» деган машҳур шорига асосан кескин синфий кураш борар ва бу кураш жамиятнинг барча иқтимоий табақаларини қамраб олган эди. Меҳнаткашларнинг душманларига қарши курашда кучли идеологик қурол бўлган «Муштур» катта роль ўйнади. «Муштур» ўз умрини яшаган иқтимоий тартибларга қарши, эски дунё вақиллари инқилоб душманларига қарши курашга меҳнаткашларнинг чинакам қуроли—муштур бўлди. Унинг бу вазифаси «Муштур»нинг 1-сонини (1923 йил, 18 февраль)да А. Қодирий тавонидан ёзилган «Муштур» таърифида» деб номланган бош мақолада ҳам яққол ақс эттирилган эди. Езувчи журнални «қўли қадоклар синфининг муштурми» деб таърифлайди ва унинг хусусиятларини қуйида-

гича таъкидлайди:  
Бу «Муштур» зўрлик муштурми эмас, ҳақиқат муштуридир; бу «Муштур» эдиллар муштурми эмас, мазлумлар муштуридир».

Абдулла Қодирий ўз мақоласини қуйидаги кучли умумлашма билан якунлайди:  
«Тумшурингиз устига янги меҳмон муборак бўвсин, арандилар!».

Бу хитобни меҳнаткаш халқнинг ўз матбуоти орқали синфий душманларга қарата, улери-

Ф. Ғафуров ва бошқалар ҳам актив иштирок этардилар. Журналда рассоллардан И. Туля, А. Николов, В. Рождественский, М. Воробейчиков ва бошқалар ўз карикатуралари билан иштирок этиб, ўзбек карикатурачилигини ривожлантиришда катта иш қилдилар. 20-йилларда «Муштур» журнаlining тематикаси бой ва ранг-баранг эди. Унда босилган фельетон, памфлет, ҳажвий шеър, танқидий мақола ва карикатураларда янги ҳаёт душманлари бўлган бойлар, савдогарлардан тортиб, чет эл империалистларининг қирдиқ қорларигача фой қилинар эди. Бу даврда журналда ўзбек матбуоти учун янги бўлган фельетон, памфлет, шеърний фельетон, карикатура каби жанрлар тўла шаклланди ва янги ҳаёт қириш масалеларини хал қилишда хизмат қилди. Абдулла Қодирий, Абдулла Қаҳқор, Ғози Юнус, Комил Алиев ва бошқалар ўзбек фельетонининг ажойиб намуналарини яратдилар. Айниқса бу даврда А. Қодирийнинг «Калвак маҳзумининг хотира дафтарида», «Тошўлди тажаниб нима дейдир» туркумаги кирувчи ва бошқа фельетонлари, 20 йилларнинг охириларига келиб, Н. Саид, Зиб Саид ва айниқса К. Алиевнинг ўткир фельетонлари катта шухрат қозонди. Атоқли шoirининг Ғ. Ғулום ҳажвий проза соҳасида бир қатор ажойиб асарлар яратиши билан бирликда ўзбек ҳажвий шеърининг шеърлик бўлган биринчи шеърний фельетонга асос солди. Истеъдодли шoirлар Т. Хўямёров, М. Мухаммаджонов ва бошқалар ҳам қўлгина ўткир шеърний ҳажвий асарлар ёздилар. Хулос, мазмунан бой ва сийсий ўткир бўлган 20-йиллар ўзбек сатирик журналистикаси ўша давр руҳини, синфий курашлар суронини ўзида ақс этдирди. Қуйида сиз бу давр сатиридадан намуналар ўқийсиз.

**М. ХУДОҚҲУЛОВ,**  
**В. И. Ленин** номидagi Тошкент Давлат университети журналистика бўлими ўқитувчиси.

А. ҚОДИРИЙ (ЖУЛҚУНВОЙ)

## «Ҳай, ер ютқур...»

(ХОТИН-ҚИЗЛАРНИНГ БАҒНАЛМИНАЛ КУНИГА БАҒИШЛАБ)

Букун хотин-қизларнинг байналминал байрам кунлари. Албатта бу «муштур»ларнинг қўниларини олмақ ҳар бир белида белбоғи бор бўлгон кишининг вазифасидир. Бироқ, биз ҳайрондирмики, қайси йўсин билан уларнинг қўниларини олиш керак? — Биз бу нуқтаини обдон ўйлаб кўрдик. Аммо ақли носиримизга ҳеч бир ниюклик гап келмай миямиз қотди.

Тўғриси айтганда (орада эшиттувчи йўсин?) бу сочи зузун ақли қисқа анов-мановларга байрам қилишини ним қўйибдир?.. Тузук, хотин-қизларнинг ўзлари худоятдоғнинг ширини қилиб яратқан маҳдудларидики, бу гап ҳам тўғри. Бинобарин уларнинг ўйнаб-қўлишларига рози бўлмаган одам хумсидир. Бироқ, масаланинг шу ерига тушуна олмаймики, бизнинг соқили эшонларимизга бир йил ўн икки ой бўлса, шу ўн икки ойнинг даммаси ҳам уларнинг байрамидир. Баҳор бўлса шулун қайнатгали мазорга чиқсалар, ҳайит келса яна иш йирин бўлса, туғриқчи қиёса яна байрам, тўй бўлса бешин-бешин, улаэлик тўй устига тўй... Энди тагин нима керак, бу ер ютқурларга!

Хукумагичилик бўлгондон кейин тили қисиб бўлиб чўрқ етмас экан... Йўсца туповкун халқ қозилхонасида рець айтган «Жукуной сўни» оғамизининг сўзи нах бизнинг муздамиз эди:

— Хотинларга ҳуқуқ деб хотин-қизларийини бузиб юборадилар, бу кунгача ҳуқуқсиз ишай билган хотун-қизлар бундан кейин ҳам ишай оладилар. Хотин-қизлар ҳуқуқ олиб бергувчи тавбиянинг кераги йўқ! — деди. Речин биз

ҳайлоиб узоқ олқишладик, қози афанди бўлса аюд тахиротидон ҳўнгир-ҳўнгир йиғладик. Орадан битта ҳуқуқчи чиқиб «Бу киши хотинига ҳуқуқ бериб олган куйди.» деб сўзлай бошлаган эди, уруб оғзини дабдала қилдик. Агарда сиз ҳам ҳуқуқ тарафдорин бўлсангиз сасиған оғиздан ачиган сўз чиқар дейсиз, ҳавола ба худо. Аммо сирасини сўзлаб ўтдик биз. Агарчидики фариғингиз бул байрамга бетараф қарайдир, шунинг билан бетарафона кенгашлар беришдан ҳам тоймайдир:

1. Инқилоб тўпалонин билан хотун-қизларимизнинг пароянларини анча эскириб қолди. Бинобарин, байрам муносабати билан уларнинг пароянларини янгилаб берилсин.
2. Ошии қирмок олдиргон ҳам баъзи бир ога-инилар «хасм»ларининг чангини қоқар эканларки, бу иш яхши эмасдир. Ички унча-мунча иш учун пахта савар қилинмасин.
3. Хотунингиздан ачичғалсангиз уни мошхўрдага боғлаб, ўзингиз чойхона ва ошхоналарда мойлиқ паловни тушуриун. Хотин-қизларга одоб беришда бул дам яхши усулдир. (Аммо баъзан бир акалар хотинларини умр бўйи мошхўрдага боғлаб ўзлари хамиша чойхонада қолур эканларки, айниқса буниси фақирга кўп пором келадир.

Ана бизнинг сўзимиз шул, ёқса сизга, ёқмаса ўзимизга.  
Ҳай, ер ютқур! Киши, киши, юзингиз бекит!  
(1924 йил, 24-сон).

ҒОЗИ ЮНУС (ОҚПАДАР)

## ҚҲЙ ТЕРИСИНИ ЁПИНҒОН БҲРИЛАР

Мошпоолло, ҳали ҳам бўрилар ичимизда кўринадилар.  
Биз жуда содда ҳат. То ўз фойда-зараримизни ҳам баъзи вақтда иштиб қилотмаймиз. Бу ҳол бўлганда тепамизда истаганларича тиз қай-рашларига ймон берадилар.

Ички-деҳқон халқининг сўнгги қолдиқлариди эяна шароғта содин жаллоб бўлгон бўрилар. — Керематий бўрилар — ҳар-бир олдида ҳам янчок қай-раб турган — ҳар-бир думалоқ бошининг тешик кўзи олдлайлар.

Ғуссия ички-деҳқон мабуоти бор кчи билан бўри онга қиришайлар ва биринчига қўй териси ёпинғонбўриларнинг устидан омонат терисини олиб ташлаб расовон ралди марғара илдилар. Лекин биз шундай бўриларга халқ қолпон кўз-балғимиз йўқ. — Ва биринчига «Муштур» қолпонини шифо қиламагани ҳам аниқдир. Энди ҳамма кучимиз бўри онга!

Қани ички, деҳқон! Қани унинг кучли мабуоти, ақ елдансини гажиб тўптан бўриларга қашои қунаш!

Хали қишлоқ ҳукуматлари нчида ҳам шундай тилин ўткир бўрилар борлигини ташқи юмлюқ, нчи заҳар

бўрилар яна оралашини ниятлари йўқ эмас.  
Деҳқон: — Сизга ухшаш бой, мулла, эшон, миллатчи зиёлилар, поракўрлар ва пиёнисталарга бу ерда жой йўқ. Тезроқ тўғингизни шикқилатиб қолинг!  
(Ғ. Туля чизган расм).

ЗИБ САИД (МУЛЛА ШАЛҒОМ)

## ОХИРИ БАҲАЙР БҲЛСИН

(ЭСКИ ЖАДИДЧИЛАРНИНГ ОҲ-ФИҒОНИ)

Бу Маеовни қургур миллатнинг бошига битган бало бўлди. У ерга бориб бир-ичини ишга ўқитгон зумраша ҳаромилар муеулмон оқлоди ва ўзбек турмушидан моҳрум бўлиб келиб бутун иш-ишларини ўз ет-юларига юргиза ва биздан олий маълумотли тажрибавор «қоқил»ларнинг оёруларини бир пул ириш қўя бошладилар. Бу ижтимоий беодоблар силлиқ ва чоғина ишларини қўйиб олиб, одамни одам ўрнида қўрмасдан катта-кичинини оёқ учи билан қўрқатилганларини айта-майсизми? Оёбо падар лаънат ҳаромилар-ей, одамзод ёқасини ушлаб қолдиз-ей!

Буларни қўринг, тагин яқинда «эйлаб, «эйил» деган бир мавлаани ўртага отиб ҳамиянинг сирри-асрори билан ўйнамоқчи қиришдилар. «Эйлаб» деган ҳеч бир мавоизда «эйил» бўладими? Бу таъбирларнинг суратан ва манган бир-бирлари муқалафотлар натта-ку! Бу гапларнинг маънисини яқриб-қилиб баъданин ахли феалилат бўларининг орасида қандай дейсиз?

Вой воёй-й, қангуд эшонларга қўлинг! Зиёлиларнинг ички тобағата бўлишининг нима нарати бор эди? Эёбейистонда синф нима қилади? Ҳаммаси ҳам бир муеулмон қомил. Биз Эёбексондаги беш-камбағалини бир иттифоқча кетирини ва бир-бирлари билан оти-қоти қилиш учун ўлиб-қутлиб, елиб-югурган чоғимизда мосқолашиб кетган халқни ҳаромилар эли бир-биридан ажратишга ҳаракат қилиб бутун планларимизнинг тагига бомба қўйиб қўнқа учуриб юборадилар.

Оҳ, қандай серёб ва сеёрлашқоқ авомилар эди. 17-йил Николайдан қутулди, 20-21 йилгача иш бошида ўз устанқорлигини билан даврон суриб юрган эдик.

Эшиттувчи: Мулла Шалғом.  
«Муштур»: охири сиз учун эмас, сизга қарши бўлгонлар учун бахайр бўладиргон бўлиб қолди.  
(1926 йил, 36-сон).

Чинкент халқи устида унинг қолдиқ кўли истаганча ўйнаб турадилар.  
Узоқ бир фурсат қўй териси остида мақса-дига ишлаб келди. Бас, етар оғди, деймиз. Бу-ғун Тошкент ва Чинкент халқи бунинг иш бошида туринишдан ҳам Николай жаллодини ўз уйларинда кўришдан жудаям безганлар.

Қани, нима дейсиз, ички-деҳқон! Олдингизда қолпонда муш-шайиб турган жаллодга қўнқимизни нима? Ички-деҳқоннинг жа-воби мана бундир:

«Эски ҳукумат жаллодларга бизнинг олд-мизда ўрин йўқ, бундай ифлосларнинг ёруғ дўпдла юриши иш-чи-деҳқонлар учун камчилдир.  
Битсин, эски идоранинг жаллодлари!  
Битсин қўй терисини ёпингон манархия думлари!  
(1925 йил 7-сон).

Редактор  
**С. М. КАРОМАТОВ.**

# Хурматли газетхонлар!

1968 йил учун

## Тошкент оқшоми газетасига обуна бошланди.

«СОЮЗПЕЧАТЬ» КОНТОРАЛАРИ  
ВА АЛОҚА БУЛИМЛАРИДА БУ  
ЗЕТАГА ОБУНА ЧЕКЛАНМАГАН  
МИҚДОРДА ҚАБУЛ ҚИЛИНМОҚДА.  
ОБУНА БАҲОСИ БИР ЙИЛГА 6  
СУМ.

# Реклама ва эълонлар

### КИНО театрларида

25 СЕНТЯБРДА

#### ҚИШКИ БИНОДА

Фантомас кутурмоқда — САНЪАТ САРОНИ (кундуз ва кечкувун).  
Тогдаги учрашув — «ЧАЙ-НА», «ЎЗБЕКИСТОН», «ВОС-ТОК», «ДРУЖБА» (кундуз ва кечкувун).

Учинчи қорол қаерда? — «ЎЗБЕКИСТОН» 25 ИЛЛИГИ, «КОМСОМОЛ 30 ИЛЛИГИ» (кечкувун).

ЭЗГИ БИНОДА

Тогдаги учрашув — «ФЕС-ТИВАЛЬ».

Учинчи қорол қаерда? — «ХИВА».

26 СЕНТЯБРДА

#### ҚИШКИ БИНОДА

Фантомас кутурмоқда — САНЪАТ САРОНИ (кундуз ва кечкувун).  
Тогдаги учрашув — «ЧАЙ-НА», «ЎЗБЕКИСТОН», «ВОС-ТОК», «ДРУЖБА» (кундуз ва кечкувун).

Учинчи қорол қаерда? — «ЎЗБЕКИСТОН» 25 ИЛЛИГИ, «КОМСОМОЛ 30 ИЛЛИГИ» (кундуз ва кечкувун).

ЭЗГИ БИНОДА

Тогдаги учрашув — «ФЕС-ТИВАЛЬ».

Учинчи қорол қаерда? — «ХИВА».

Учинчи қорол қаерда? — «ЎЗБЕКИСТОН» 25 ИЛЛИГИ, «КОМСОМОЛ 30 ИЛЛИГИ» (кечкувун).

ЭЗГИ БИНОДА

Тогдаги учрашув — «ФЕС-ТИВАЛЬ».

Учинчи қорол қаерда? — «ХИВА».

26 СЕНТЯБРДА

Учинчи қорол қаерда? — «ЎЗБЕКИСТОН» 25 ИЛЛИГИ, «КОМСОМОЛ 30 ИЛЛИГИ» (кечкувун).

ЭЗГИ БИНОДА

Тогдаги учрашув — «ФЕС-ТИВАЛЬ».

Учинчи қорол қаерда? — «ХИВА».

«ПОЛИТОДЕЛ» КОЛ-ХОЗИ СТАДИОНИДА  
26 сентябрь кеч соат 5 яримда

Совет Иттифоқи биринчилиги учун

«А» классидати «Иртис» (Омск) — «По-литотдел» (Тошкент) командалари.

Ҳатманда  
**ФУТБОЛ**

Хотин-қизларнинг ойда бир чиқадиган иккунлик — «САОДАТ»

ЖУРНАЛИГА ОБУНА БОШЛАНДИ.

Обуна баҳоси: Бир йилга 2 сум 40 тиғини.

Олти ойга 1 сум 20 тиғини, Бир соғи 20 тиғини.

Обуна чекланмаган — ҳамма алоқа бўлимлари, барча жамоатчи вакиллар орқали қабул қилинади.

«САОДАТ» журналига обуна бўлишнинг унуматли

30 сентябрда  
МОСКВА ШАҲРИДА  
1947 йилда чиқарилган

**3 % ЛИ**

давлат ички ютуқлар заёмининг

119-асосий ва 20-қўшимча ютуқлар тиражи

УТҚАЗИЛАДИ.

РИГА ШАҲРИДА  
1966 йилда чиқарилган

**3 % ЛИ**

давлат ички ютуқлар заёмининг

10-ютуқлар тиражи

УТҚАЗИЛАДИ.

### РАДИО ТУЛКИНЛАРИДА

25 СЕНТЯБРДА

БИРИНЧИ ПРОГРАММА

18.00 «ПРАВДА» газетасининг обзори (Ўзбекча).

18.10 Шопен ҳафтадан кичик лаҳза.

18.40 Енгил куйлар.

19.20 Механизаторларнинг талабларига мувофиқ концерт (татарча).

20.00 «Нингиз-терин палласи қадрамонлари» пиллидаги (русча).

20.10 «Добоча». Музикали ҳикоя.

20.45 Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети VIII Пленуми қарорларини ҳаётга таъбиқ этиши. «НОВАТОРЛАР ХИССАСИ» (Ўзбекча).

21.00 Пахтакорлар учун концерт (Ўзбекча).

21.35 Саломатлигиниз ҳақда икки оғиз суҳбати (Ўзбекча).

21.40 «Улуг Октябрь хроникаси» (Ўзбекча).

21.50 Москва. «Улуг Октябрь»

22.15 Концерт (Ўзбекча).

22.40 Замондошларимиз. С. Анорбоев, «КИР ОШАЕТГАНЛАР» (Ўзбекча).

23.20 Дам олиш концерти (Ўзбекча).

ИККИНЧИ ПРОГРАММА

19.00 Музикали драмалардан парчалар.

19.30 Қарлош республикалар адабиёти. Догистон шоири К. Кулиев шеърлари (русча).

20.10 Вальс кечаси.

21.00 У. Юсуфжоновнинг «Булуғлар кун» деган ҳикояси (тожикча).

21.20 «Юность Узбекистана» радиостанциясининг программаси. Такрорий эшиттириш.

26 СЕНТЯБРДА

БИРИНЧИ ПРОГРАММА

8.25 Туроб Тўла шеърлари билан айтадиган қўшиқлар.

9.30 Гвенно. «Мирзачўл» симфония поэмаси.

10.10 Прокофьев. Фортепьяно оркестри учун биринчи концерт. С. Рихтер ижро этади.

10.30 Халқ талантлари концерти.

11.15 В. Дробинский «Биринчи йўл очғилар» деган суҳбат (русча).

11.25 Чолпу куйлари.

12.15 «Брусиловскийнинг «Гулаг»да» балети» деган очерк.

13.40 Куйлардан-куйлarga.

18.00 «ПРАВДА» газетасининг обзори (Ўзбекча).

18.10 Спорт эшиттириши (Ўзбекча).

18.40 Ўзбекистон радиоси ва телевидениеси солиқсиз Клар Жалилова куйлари.

19.20 Қоракалпоқ куйлари.

20.00 «Ўзбекистон куйликларида» радиожурнали (русча).

20.45 «Дня ваъда қилади, медицина даволайди» деган эшиттириш (Ўзбекча).

21.00 Пахтакорлар учун концерт.

21.40 «Улуг Октябрь хроникаси» (Ўзбекча).

21.50 Москва. «Улуг Октябрь хроникаси». Суяғти ахборот.

22.15 Концерт.

22.40 Октябрь 50 йиллиги олдидан. «Ўзбек ҳикоялари» антологияси. Райратий. «Емон туш» (русча).

23.20 «Янги Тошкентни қураётганлар, сизлар учун» деган концерт.

ИККИНЧИ ПРОГРАММА

7.15 Қарлош республикалардан келган қурувчилар учун концерт.

8.25 СССР халқларининг қўшиқ ва рақслари.

19.00 В. В. Маяковский. «В. И. Ленин» поэмаси асосида радиомюзика (Ўзбекча).

19.40 Концерт.

20.10 Радио эшитувчилар тақлиф этган программа асосида концерт.

20.45 «Юность Узбекистана» радиостанциясининг эшиттириши.

21.00 Еш ижроичилар концерти (тожикча).

21.30 «Кўнжик ва ўзим ҳақимда» деган музикали эшиттириш (русча).

УЧИНЧИ ПРОГРАММА

14.00 Япон эстрада артистларининг концерти.

17.30 СССР Мулофа миястрилиги духовой оркестрининг концерти.

### БИЛДИРИШ

Шу йил 25 сентябрь соат 18.30 да Тошкент область ва шаҳар партия комитетларининг сийёсий маориф ўйла ҳалқаро комиссияси, ишча ва миллий озолини ҳаранатлари тозасидан лекция ўқувчи лекторлар, пропагандачилар доимий семинарининг навбатдаги машғулотли бўлади.

«Атом электр станциялари кемаларда» деган темада физика-математика фанлари кандидати В. Ф. Демин (Москва) лекция ўйлади.

### Зангори экранда

26 СЕНТЯБРДА

БИРИНЧИ ПРОГРАММА

Рус тилида:

17.55 Эшиттиришлар программаси.

18.00 Телеянгилликлар.

18.20 Болалар учун. «Қизил кучи сачқонча» деган мультфильм.

18.40 Эшиттиришлар программаси ва эълонлар.

Ўзбек тилида:

18.50 Телеянгилликлар.

19.10 КПСС Марказий Комитети Тезслари.

19.30 «ЕШЛИК» студияси кўрсатади. «Қайноқ қалб кишилар». «Карвон ўтади — излар қолади».

20.50 «ҚИЛ УСТИДА» бадий фильмининг иккинчи серияси.

20.45 Россия телестудиялари кўрсатади. «Бургутлар дараси». Грозний шаҳридан олин қўрсатилди.

21.00 Телеянгилликлар.

21.15 КПСС Марказий Комитети Тезслари.

21.30 Россия телестудиялари кўрсатади.

22.00 Ярим аср йилломаси. «1941 йил». Кўп серияли телевизион ҳужжатли фильм.

23.05 Москвада РСФСР ҳафталиги. Москва Давлат филармонияси симфония оркестрининг концерти.

23.50 Телеянгилликлар.

00.10 Москвада РСФСР ҳафталиги кундалиги.

00.20 Телевизион миниатюра-лар театри.

01.30 Москва эшиттиришларининг охири.

УЧИНЧИ ПРОГРАММА

ОЛМАОТА КўРСАТАДИ:

Козоқ тилида:

18.00 Болалар учун мультфильм.

18.10 «Бир қисм тупроқ». Киноочерк.

18.30 «Сихат-саломатлик». Тележурнал.

19.00 Фильм-концерт.

ТОШКЕНТ КўРСАТАДИ

Ўзбек тилида:

19.30 Эшиттиришлар программаси.

19.35 Янгилликлар.

19.45 Болалар учун. «Расм-ли ҳикоялар».

20.00 В. И. Ленин туғилган кунининг 100 йиллиги олдидан. «ЛЕНИНЧА 1 МАЙ». Ҳужжатли фильм.

Рус тилида:

20.20 Илмий-оммабоп фильм

20.30 Еш ижроичилар концерти.

21.10 Янгилликлар.

21.20 М. Горький туғилган кунининг 100 йиллиги олдидан. «ОМА ГОРДЕЕВ». Бадий фильм.

«Главташкентстрой» «1-ТАШТРАНССПЕ-СТРОЙ» ТРЕСТИНИНГ 5 МАХСУСЛАШТИРИЛГАН БОШҚАРМАСИГА йўл ишчилари, слесарь-сантехниклар, геодезистлар **КЕРАК** Меҳнат ҳақи-ишбай. Елғиз кишилар ётоқхона билан таъминланадилар.

ТОШКЕНТ ШАҲРИДАГИ ХУНАР-ТЕХНИКА БИЛИМ ЮРТЛАРИДА ХИЗМАТ ҚИЛУВЧИ МАРКАЗ-ЛАШТИРИЛГАН БУХ-ГАЛТЕРИЯГА

Катта бухгалтерлар ва бухгалтерлар **КЕРАК**

Мурожаат учун адрес: Тошкент шаҳар, Заводская кўчаси, 34-уй, бош бухгалтерга учрашилсин.

БОҒДОРЧИЛИК-УЗУМЧИ-ЛИК ВА САВЗАВОТ СОВ-ХОЗЛАРИ

ТОШКЕНТ ОБЛАСТ ТРЕСТИГА

треста ва Тошкент об-ластда ишлаш учун бош бухгалтерлар, бош бухгалтер ўринбосарлари, катта бухгалтерлар, молия бўлими бўйича бош бухгалтер ўринбосари **КЕРАК**

Тошкент шаҳар, Ўзбекистон кўчаси, 30 а-уй, кадрлар бўлимига мурожаат қилинсин.

Ўзбекистон ССР Қурилиш министрининг 6-қурилиш трестининг

5-ҚУРИЛИШ-МОНТАЖ БОШҚАРМАСИГА (Ўрта овул посёлкиси) геодезист (бир йил мулдат-да квартира билан таъмин-ланади) **КЕРАК**

Мурожаат учун адрес: Тошкент шаҳар, Педагогическая кўчаси, 75-уй, кадрлар бў-лими. Телефонлар 5-12-89, 5-10-38.

А. НАВОИЙ НОМЛИ АКАДЕМИК КАТТА ТЕАТРГА

режиссёр-расмом, бух-галтерлар, хўжалик мудир, буюб комендант, тикувчи-лар, пивнингдек театр со-листвлари учун квартиралар **КЕРАК**

Театрнинг кадрлар бўли-мига мурожаат қилинсин.

ЎЗБЕКИСТОН ССР ОБИ-ХАВО ХИЗМАТИ БОШ-ҚАРМАСИГА

инженер-гидрологлар, тех-нико-гидрологлар, катта бух-галтер, бухгалтерлар, машин-истка, жойловчи-юкчилар (меҳнат ҳақи иш бай асоси-да тўланади), шоферлар, фо-тограф **КЕРАК**

Мурожаат учун адрес: Тошкент шаҳар, Астрономия кўчаси 31-уй.

Ўзбекистон ССР Маҳаллий саноат министрининг ДАВЛАТ МАХСУС БАДИ-ИЙ КОНСТРУКТОРЛИК-ТЕХНОЛОГИЯ ВБОРСИГА

инженер-механиклар, рас-мом-конструкторлар, катта бухгалтер ўринбосари, ма-шинистка **КЕРАК**

Мурожаат учун адрес: Тошкент шаҳар, Самарқанд Дарвоза кўчаси, 13-уй.

«ЎЗБЕКЭНЕРГОРЕМОНТ» КОРХОНАСИГА

котель ва турбинни ҳижоз-лари ремонтни бўйича слес-сарлар, газ электр пайванд-чилари, пайванд бўйича ин-женерлар, турбинист инже-нерлар, котель инженерла-ри, усталар, Тошкентда, Фарғонада, Ангренада, Наво-ида ишлаш учун катта тех-никлар, юрисконсулт, кат-та бухгалтер-ревизор, меҳнат ва иш ҳақи бўйича катта ин-женер **КЕРАК**

Меҳнат ҳақи — вақтбай-мукофот тарихисидда тўлана-ди.

Иш командирлика билан боғлиқ.

Мурожаат учун адрес: Тошкент шаҳар, Тимирязев кўчаси, 2 уй, кадрлар бўли-ми. Телефон № В-8-41-20.

### ДИССЕРТАЦИЯ ЕҚЛАЙДИЛАР

1967 йил 4 октябрь кун-дуз соат 2 да, Ўзбекистон ССР Фанлар академиясининг химия ва химия технология-си бўйича биёлаган илмий совет мажлисида (Черданев кўчаси, 19-уй, химия инсти-тутлари мажлислар зали) техника фанлари кандидати деган илмий даражани олиш учун

З. Пулатов: «Портландце-мент клинкер минераллари ва камаломинатлик порт-ландцементларнинг магне-зиал-сульфат коррозиясини ўрганиш» деган темада.

Н. Имомназаров: «Мувақ-каб ўғит ишлаб чиқариш, уни ташиниш ва сақлашда кўт-лавилаётган металл, ному-тавал камда қолдмаларнинг коррозиян туғдирилгани тек-шириш» деган темада.

Диссертациялар билан ака-демия кутубхонасида тани-ниш мумкин (А. Тўнаев кў-часи, 1-уй).

1967 йил 12 октябрь кун-дуз соат 2 да, Ўзбекистон ССР Фанлар академияси физика-техника ва матема-тика фанлари бўлимининг техника фанлари бўйича би-ёлаган илмий совет мажли-сида (Ўрта Осиё ирригация илмий-техник институтини конференц-залли, Я. Колас кў-часи, 28-уй) техника фанла-ри кандидати деган илмий даражани олиш учун

М. М. Комиллов: «Статист-тик кидиришни технологияси объектларнинг тақомилла-шадиган моделларини син-тез қилиш учун кўллаш (азот саноатига каталитик процессларнинг бир турини мисолида)» деган темада.

А. С. Корешков: «Кўрак терини машинасининг тек-валлики ишчи қисмларидаги кинематика ва динамикаси ҳақидаги айрим масалалар» деган темада.

Диссертациялар билан академия кутубхонасида та-нишиш мумкин (А. Тўнаев кўчаси, 1-уй).

1967 йил 18 октябрь кун-дуз соат 2 да, Тошкент дав-лат медицина институтининг умум илмий совет мажлиси-да медицина фанлари кан-дидати деган илмий дара-жани олиш учун:

Г. Н. Гиммельфарб: «Тра-хея ва бронхлардаги опера-цияларда оғрик қолдириш ва вентилиция» деган тема-да.

В. З. Мазгутов: «Пес (ви-тилийо) касаллигининг даво-лаш учун кўллаш учун ис-ролат препаратининг фар-макологиксида доир мате-риаллар» деган темада.

25 октябрь кундуз соат 2 да, давлолаш ва стоматоло-гия факультетлари мажли-сида (ақт зали) медицина фанлари кандидати деган илмий даражани олиш учун:

Ю. А. Евстигнев: «Эпиа-кислари касаллигининг клиник, рентгенологик ва морфологик параллелиги» деган темада.

А. А. Лебедев: «Схизан-дрин-хитой лимонини кўга-тувчи модда» деган тема-да.

Санитария-гигиена ва пе-диатрия факультетлари маж-лисида (гистология кор-пуси, 1-аудитория) меди-цина фанлари кандидати де-ган илмий даражани олиш учун:

Б. Амншов: «Қарши шаҳ-рининг иссий илмий ша-роитида тоқсик диспексия билан оғриган болаларда сув ва туз олмашишнинг бўлиши» деган темада.

Н. И. Сийини: «Тез эвоучан меъдани втропони билан қуритилган даволовчи зардоблар» деган темада.

Диссертация билан инсти-тут кутубхонасида танишиш мумкин (К. Маркс кўчаси, 103-уй).

Калинин районидаги 28-сақиз йиллик мактабнинг йўқолган

ДУМОЛОҚ ПЕЧАТИ

бевор қилинади.

Киров районидagi 5-мак-таб томонидан Файзуев Шух-рат номига берилган 003443 сонли йўқолган

УРТА МАЪЛУМОТ ҲАҚИДАГИ АТТЕСТАТ

бевор қилинади.

«Главташкентстрой»нинг 9-умум қурилиш трести 48 ҚУРИЛИШ БОШҚАРМАСИГА

бухгалтерлар, инженер-қу-рувчилар, иктисод планчиси